



XORIJY TILLARNI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR NAZARIYANING AMALIYOTGA TATBIQI

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani

РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ АМАЛИЙ ДАРСЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Инамова Гуллола
ЎзДЖТУ докторанти
gullolainamova@gmail.com
+998993071518

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15179087>

Аннотация: Мамлакатимизда ҳар бир соҳада ахборот технологияларини қўллаш, қўлаб соҳаларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш каби масалаларга катта эътибор берилмоқда. Ушбу мақолада инглиз тили амалий дарсларида талабалар нутқини такомиллаштиришида дарс жараёнини автоматлаштириш бўйича дуч келинадиган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, амалий фанларни рақамли технологиялар асосида ўқитиш методикаси ва талабаларнинг мустақил ишлашга оид нутқ компетенцияларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш тамойиллари, уларнинг таснифи келтириб ўтилган бўлиб, рақамли технологиялар таркибига кирувчи мобил иловалар, ижтимоий тармоқлар, дастурларни дарсда қўлланилиши баён қилинган. Баён қилинган дастурлар асосида талабалар нутқ компетенциясини такомиллаштирувчи ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш амалий фанларни ўқитишнинг самарадорлик даражаси ошиши ва ижобий натижага эришилиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *sanako study*, дастурий таъминот, нутқ, компетенция, ёндашув, талаффуз.

Мазкур мақола бизнинг тадқиқотишимиздан бир парча бўлиб, рақамлаштириш шароитида дастурий таъминот асосида инглиз тили амалий дарсларини автоматлаштириш бўйича сўнгги уч йилда бажарган ишларимиз натижасидир. Чет тил нутқини ўргатишда турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, энг кенг тарқалганлари анъанавий ва коммуникатив ёндашувлардир. Чет тил тинглаб тушуниш, гапиришни ўрганишга анъанавий ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, ўрганиш талаффуз қилинадиган ҳаракатлар ва уларнинг акустик таъсирини онгли равишда ўзлаштириш орқали амалга оширилиши керак. Эшитиш-талаффуз кўникмаларини ривожлантириш чет тил товушлари билан танишиш, уларни талаффуз қилишни ўргатиш ва оғзаки нутқ ва овоз чиқариб ўқишда олинган кўникмалардан фойдаланиш ва икки турдаги машқларни ўз ичига олади: наmunани фаол тинглаш ва онгли тақлид. Чет тил фонетикасини ўрганишга коммуникатив ёндашув анъанавий усулни инкор этади. Биринчи дарслардан талаффуз ҳақиқий мулоқот шароитида амалга



XORIJY TILLARNI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR NAZARIYANING AMALIYOTGA TATBIQI

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani

оширилиши, “талаффуз” “нутқ”га бириктирилмаслиги, балки унинг асоси бўлиши, чет тил нутқини ўргатишнинг бошқа таркибий қисмлари – лексик ва грамматик кўникмалар билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

Бизнингча, бўлажак мутахассисларнинг профессионал чет тил луғатининг талаффузини ўргатишда коммуникатив ёндашув ва анъанавий усулдан фойдаланишнинг ўзи самарасиз, чунки у коммуникатив жиҳатни ҳисобга олмаган ҳолда фақат акустик ва моторли кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган. Коммуникатив ёндашув, гарчи мулоқотга асосланган бўлса ҳам, салбий таъсирни бартараф эта олмайди, яъни таҳлил қилиш имкони йўқ. Бу ерда лексема товушларини кўрсатиш, кейинчалик артикуляцияни машқ қилиш ва нутқ фаолиятида фоне малар жаранглаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, тўғри орфоэпиянинг функционал ва коммуникатив қийматини кўрсатиш мақсадга мувофиқ ва самаралидир. Бугунги кунда замонавий таълим тизими ривожланмоқда ва у инновацион компьютер технологияларидан фойдаланишни талаб қилмоқда. Ишимиз доирасида биз дастурий таъминот, веб ресурслар ёрдамида фонологик таҳлиллар ўтказиб, уларнинг натижаларини амалда татбиқ этиб, айнан фонетик кўникмаларни ривожлантириш ва тил ўрганувчида комплекс фонетик компетенцияни шакллантиришга эътибор қаратдик. Ушбу йўналишни танлашимизга лингвистика доирасида замонавий дастурий таъминотни қабул қилиш ҳақидаги тадқиқотларнинг йетишмаслиги сабаб бўлди.

Бугунги кунда равон нутқга, гапиришга бағишланган илмий тадқиқотлар сони жуда камчиликни ташкил этиши ушбу муаммонинг муҳимлигини илмий жамоатчилик томонидан тўлиқ англаб йетилмаганлиги ва уларга бериладиган имкониятнинг йўқлигидандир. ЭФЛ ларни яратиш талабаларнинг амалий кўникма ва илмий тадқиқот соҳасига жалб қилишда, шунингдек фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда катта имконият беради.

Фойдаланишга тавсия этилаётган платформа хорижий тилларни ўқитиш бўйича филология йўналиши битирувчи талабаларига қўйиладиган малака талабларида кўрсатилган фонетик компетенцияга асосланган қуйидаги илмий муаммоларга эътибор қаратади:

- чет тили барча товушларини аниқ талаффуз эта олиш, сўз ва гап урғусини тўғри қўя олиш, коммуникатив вазиятларда интонация моделларини фарқлай била олиш;



XORJIY TILLARNI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR NAZARIYANING AMALIYOTGA TATBIQI

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani

- тил товушларини, гапириш кўникмасини ривожлантириш билан бирга нутқда ишлатишни машқ қилиш; коммуникатив вазиятларда гапнинг коммуникатив турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гап)га мос равишда ритм ва интонациядан тўғри фойдаланиш;

- тил товушларини, гапириш кўникмасини ривожлантириш билан бирга нутқда ишлатишни машқ қилиш;

- сўз, якка ибора ва дискурсни аниқ талаффуз қилиш устида ишлаш; ритм ва интонациядан фойдаланиш (дарак, сўроқ, бўлишсиз, буйруқ гаплар);

- гапни маъноли бўлақларга ажратиш; чет тилининг асосий вариантларини фарқлаш;

- урғу ва интонацияни тўғри қўя олиш.

Чет тили ўрганувчиларининг барча қатламида ва даражасида талаффузда учрайдиган камчиликлар уларнинг психологик ва ижтимоийлашув жараёнида ҳам камчиликлари шаклланишига сабаб бўлади. Чет тили талаффузида камчилиги борлигини билган киши мулоқот жараёнида ўзига бўлган ишонч ҳисси йетарли эмаслиги туфайли ўзининг барча имкониятларидан тўла фойдалана олмайди. Бу эса ўз навбатида кишининг ижтимоийлашувига ҳам салбий таъсир кўрсатади ҳамда унинг чет тилига бўлган қизиқишнинг пасайиб боришига олиб келади. Талаффуздаги мавжуд хатолар кишининг эшитиш ва гапириш қобилиятининг ҳам пасайишига олиб келади. Чунки тўғри талаффузга эга бўлмаган киши мулоқотда фаол тингловчи ва сўзловчи сифатида иштирок эта олмайди. Бунга сабаб фаол тингловчи мулоқот жараёнида фаол сўзловчи сифатида ўринга эга бўлиши табиий ҳол, аммо талаффузида хатоларидан кўрққан киши ўзини чет тили мулоқотларидан олиб қочади ва бу кейинчалик уларнинг чет тилидаги нутқни эшитиш ва гапириш кўникмасининг сусайиб боришига сабаб бўлади. Келтирган муаммога йечим сифатида бир неча дастурларни тавсия этишимиз мумкин, улардан бири Sanako Study 1200 дир, дастуринг асосий хусусиятлари:

- Индивидуал, жуфт тарзда ва гуруҳ шаклида ишларини ташкил этиш.
- УМК мультимедия материалларидан фойдаланиш.
- Компьютерларнинг тўлиқ назорати ва ўқувчилар дисплейларини мониторинг қилиш.
- Ўқувчилар ва ўқитувчи компьютерларидан аудио ёзувлар олишни созлаш.
- Умумий чат ва шахсий хабарлар.



XORJIY TILLARNI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR NAZARIYANING AMALIYOTGA TATBIQI

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani

- Интернет ва ишлаётган иловаларни блоклаш.
- «Интерактив доска» умумий иш режими.
- Сўровномалар ўтказиш.
- Ўқитувчи ва ўқувчининг экранини бутун синф ёки гуруҳга намоиш қилиш қобилияти.
- Аудио манбалар билан ишлаш учун медиаплеер.
- Турли хил нутқ вазиятларида тилга оид фаолиятнинг барча турларини ўргатиш учун функционал.
- Бир йил қўллаб-қувватлаш ва янгиланишлар.

Sanako Study 1200 таълим фаолияти турлари: Sanako Study 1200 да олдиндан ўрнатилган ҳар хил фаолият турларидан фойдаланиш мумкин, улар ушбу дастурий таъминот мажмуаси ёрдамида ўқитишга асосланган. У ёки бу вариантни танлаш, айти ушбу фаолият турига хос функцияларга киришни таъминлайди.

- Тинглаш. Ўқувчилар аудио-фрагментни тинглашади, сўнгра тушунчаларини текшириш мақсадида ўқитувчининг саволларига жавоб беришади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг гарнитураларига товуш трансляция қилишни тўхтатиши ва овозли шарҳлар қолдириши, сўнгра товуш трансляциясини тўхтатилган жойдан давом эттириши мумкин.

Мазкур дастурий таъминот инглиз тили амалий фанларини автоматлаш, талабаларнинг нутқ қобилиятини ривожлантириш, уларнинг мулоқот қобилиятларини ошириш учун ўқув дастурларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув турли хил амалиёт имкониятлари ва фикр-мулоҳаза механизмларини тақдим этиш учун тил ўрганиш дастурлари, интерактив симуляциялар ва онлайн платформалар каби технологиялардан фойдаланади. Ушбу усулнинг самарадорлиги дастурий таъминотнинг дизайни, педагогик принципларнинг интеграцияси ва техник ёрдам мавжудлигига боғлиқ. Бу рақамли муҳитда рақамлик, аниқлик ва умумий алоқа қобилиятларини яхшилашга қаратилган бўлиб, шахсийлаштирилган ўқув тажрибалари ва ҳамкорлик имкониятларини тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Parmaxi, A. Virtual reality in language learning: A systematic review and implications for research and practice //Interactive learning environments. – 2023. – Т. 31. – №. 1. – С. 172-184. DOI:10.1080/10494820.2020.1765392
2. Underhill, A. (2005). Sound foundations: Learning and teaching pronunciation (2nd ed.). Oxford: Macmillan Education. 224 p. ISBN: 9781405064101



**XORIJIY TILLARNI O'QITISHDA INNOVATSION
YONDASHUVLAR NAZARIYANING AMALIYOTGA TATBIQI**
mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani

3. Zsiga, E.C. The sounds of language: An introduction to phonetics and phonology. – John Wiley & Sons, 2024. 474 p. ISBN: 9781405191036
4. Федотова, Н.Л. (2019). Контроль фонетических навыков. Иностранные языки в школе, 118 с. ISBN: 978-5-288-05922-3
5. Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность/Ред //ЛР Зиндера и МИ Матусевич. Изд-е. – 1974. 432 с. ISBN 978-5-382-00617-8.